



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 30-noyabr • Seshanba • 139 (31.259) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

2010 йил — Баркамол авлод йили

Мамлакатимизда реал иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун рақобатбардош малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий билим ва маҳоратини янада юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшлар бандлиги доимо эътиборда

Пойтахтимизда маъzur Фармон ижросига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика Савдо-санъат палатаси, шунингдек, бошқа бир қатор ташкилот ва идоралар, Банк-молия муассасалари вакиллари иштирок этди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўринбосари Ш.Саидов Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, пухта билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жорий ўқув йилида юртимизнинг касб-хунар коллежларини 400 минг нафардан зиёд йигит-қиз битирди. Уларни иш билан таъминлашда таълим муассасалари ва корхона, ташкилотлар ўртасида йўлга қўйилган шартномавий муносабатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг июль-ноябрь ойларида ўтказилган олти юзга яқин меҳнат ярмаркаси самарасида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини тамомлаган йигит-қизларнинг аксарияти иш билан таъминланди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 784 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Бу жараёнда кичик корхона-

лар, микрофирмалар томонидан битирувчиларни ишга қабул қилиш муҳим ўрин тутди. Утган қисқа вақт мобайнида 17 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмага қирқ мингга яқин билим билан йўлга қўйилган йигит-қизлар ишга жойлаштирилди. Бу борада, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида яхши кўрсаткичларга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида буюрилган нормативдан кўли билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақлаб қолинади.

Давра суҳбатда ёшларни иш билан таъминлаш, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш юзасидан турли вазирлик ва идоралар, таълим тузилмалари, кўмиталар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Юрт ободлиги йўлида

Қишлоқ меъморчилиги

кўркам ва замонавий уйлар кўнглингизга қувонч бағишлайди

Янги уй — янги олам. Барча қулайлик бор бўлган уйларда улғайган фарзандларнинг диди ва дунёқарашини бошқача бўлади. Буни Чироқчи туманидаги Хўжаабдижаббор қишлоғи аҳли ҳис қилиб турибди.

Хўжаабдижаббор — Хумо қишлоқ фуқаролар йиғинидаги етти қишлоқнинг бири. Қишлоқни қоқ иккига бўлиб ўтган катта йўл ёқасида қурилиш ишлари шу йил кўкларда бошланган эди. Дастлаб, катта майдон текисланди. Қум-шағал, цемент олиб келинди. Кейин бирваракайга 20 та уйнинг пойдевори қўйилди. Фишт терувчи усталар ишга киришди. Айни вақтда тоза ичимлик суви, табиий газ қувурлари ва электр симлари тортилди бошланди.



Қурувчилар шундай ғайрат билан меҳнат қилишдики, йўлдан ўтган киши бир тўхтаб, «Хорманг — бор бўлинг!» деб, уйлари айланиб қўрар, қурилиш ашёлари нархини сўраб-суриштира эди.

— Рост, тинчимиз бузилди, — дейди қулимсираб Хумо қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Холиқов. — Йўқ, бошқа хаёлга борманг, одамлар «Бу уйлارнинг пули қанча экан? Қандай қулайликлари бор?», дея суриштира бошлади. Тўғри, кейинги йилларда қишлоқда ҳам кўркам ва болажонли уйлар қурила бошлаган эди. Аммо намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган хонадондаги қулайликни унча-мунча оила ярата олмайди. Бунинг учун узоқни кўзлаб, пухта ишланган алоҳида лойиҳа лозим. Пули қиммат эмасми, дейсизми? Ха, энди қимирлаган қир ошар, меҳнатдан яхши даромад келса, янги уй қуради-да, одам! Тагин, енгиллиги бор — кредит беришяпти.



→4

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасидан.

Ҳуқуқий демократик давлат пойдевори



Абдуманноб РАХИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиётида туб бурилиш даврини бошлаб берадиган қонунлар, фуқароларнинг юксак орзу-умидлари, фарзандларининг порлоқ келажигига пойдевор бўлиб хизмат қиладиган дастурлар бўлади.

Бундай тарихий ҳужжатларни қабул қилиш шунчаки тасодиф эмас, балки, унга маълум маънодаги тарихий зарурат, энг аввало, мамлакат мустақилликка эришганида ёки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий тараққиёт йўлидаги ислохотлар ўзининг янги даврига кирганида пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатлар туб мазмунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати, хоҳиш-истаги мужассамлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Айнан шу нуқтага назардан, мамлакатимизда ўтган йилларда фаровон ҳаётимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган бунёдкор ишларга ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаган олий ҳужжат, бу шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир.

Давлат мустақиллигининг ҳосиласи — Бош Қомусимизнинг асосий тамойиллари, шунингдек, ундаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ўзбек халқининг минг йиллик давлатчилик тарихи ва асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларига ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

→2

Ислохотлар ижроси учун барча масъул

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил 12 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш муассасалари ва тизимдаги олий ўқув юртлири ҳамда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари иштирок этди.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар бераётган юксак самаралар чуқур таҳлил қилиниб, юртимизни янада тараққий эттиришни таъминлашга оид долзарб вазифалар белгилаб берилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда

яшилгангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани истиклол йилларида эришилган ёрқин ютуқлардандир.

Юртбошимиз маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситала-

рини янада ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини тобора чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шуллар жумласидандир.

Табиийки, бу соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор устувор вазифаларни рўйга чиқаришни талаб этади. Тадбирда ана шу ҳаётий муҳим вазифалар талабидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида сўзсиз амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Унга қўра, давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгиланган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни тизимнинг барча бўғинларида чуқур ўрганиш, вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув муассасаларида махсус курс жорий этиш, бунга етук мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

ДАВР АМАЛИЙ БАҲСЛАРНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

→2

ЎзЛиДеП эса бунга ҳеч кўника олмайганга ўхшайди

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 IYIL 30 NOYABRDAN BO'SHLAB XORIJIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1574,75	1 Миср фунти	282,93	1 СДР	2518,23	10 Жанубий Корея вон	14,15
1 Англия фунт стерлинги	2576,66	1 Канада доллари	1601,39	1 Туркия лираси	1095,55	10 Япония иенаси	194,30
1 БАА дирҳами	444,89	1 Хитой юани	244,97	1 Швейцария франки	1635,37	1 Россия рубли	52,11
1 АҚШ доллари	1633,90	1 Малайзия ринггити	518,53	1 Евро	2183,71	1 Украина гривнаси	205,81

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъzur валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Жамоатчилик назорати

ЎЗИМИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маҳалла ва шаҳар озодлигига бефарқ бўлмайдик

→3

Спорт

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ

спорт тури билан шуғулланувчилар қирқ беш минг нафардан ошди

→4

Эътироф

Азалдан халқаро савдо йўлининг чорраҳасини макон этиб келган Ўзбекистон муҳим геостратегик жойлашувга эга. Амалга оширилаётган изчил ислохотлар

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган. Қўлаб халқаро молия институтлари, жумладан, Осие таракқиёт банкнинг юртингизда йирик қўша лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани бунинг далилидир. Шунингдек, Ўзбекистонда инфра-тузилмани такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Мен Ўзбекистонга келиб, ўзим учун ислом ва жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган, бой моданий меросга эга бўлган мамлакатни кашф этдим.

Эжен ДАВИД,

Швейцария Кантонлар кенгаши-нинг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссияси раиси.

ОБ-ХАВО 30.11-01.12. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 15°C	☁️ 17°C
Самарқанд	☀️ 12°C	☁️ 17°C
Нўкус	☀️ 8°C	☁️ 13°C
Қарши	☀️ 15°C	☁️ 20°C
Урганч	☀️ 8°C	☁️ 13°C
Навоий	☀️ 13°C	☁️ 18°C
Фарғона	☀️ 10°C	☁️ 15°C
Бухоро	☀️ 13°C	☁️ 18°C
Андижон	☀️ 10°C	☁️ 15°C
Наманган	☀️ 10°C	☁️ 15°C
Термиз	☀️ 15°C	☁️ 20°C
Жиззах	☀️ 12°C	☁️ 17°C
Гулистон	☀️ 12°C	☁️ 17°C
Тошкент вил.	☀️ 12°C	☁️ 17°C

Лондон	☁️ 7°C	☁️ 7°C
Париж	☁️ 5°C	☁️ 6°C
Москва	☁️ -2°C	☁️ 1°C
Мадрид	☁️ 4°C	☁️ 5°C
Пекин	☀️ 7°C	☀️ 8°C
Гонгконг	☀️ 10°C	☀️ 11°C
Рим	☀️ 9°C	☀️ 9°C
Анкара	☀️ 8°C	☀️ 9°C
Токио	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Стокгольм	☀️ 1°C	☀️ 3°C
Кейптаун	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Қоҳира	☀️ 9°C	☀️ 12°C
Гавана	☀️ 14°C	☀️ 16°C
Вашингтон	☀️ 8°C	☀️ 7°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Юрт ободлиги йўлида

Қишлоқ меъморчилиги

кўркам ва замонавий уйлар кўнглингизга қувонч бағишлайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Хусан РАХИМОНОВ сурачлари.

Қишлоғимиздан ўн битта оила кредит асосида янги уй қурдирапти. Бу йил 20 та хонадон ишга тушади, келгуси йили яна 25 та уй қурилади. Яқинда тадбиркор Мустафо Пардаев билан ўқитувчи Марям Янгитбоева олдимиға келди. Уларга кредит олиш тартиблари, янги уйларнинг қулайликларини тушунтирдим. Хуллас, қурилатган иморатлар нафақат кўркам ва замонавий, балки қишлоқ меъморчилиги шаклланишига ҳам хизмат қилаяпти. Қаранг, муқаддам бизда бундай тушунча йўқ эди. Энди қишлоқ ҳаёти ҳақида янгича қараш шаклланимиз. Бу эса, табиийки, ҳаётимизни ўзгартирмайди.

Меъморчилик ҳақида гап очганингиз яхши бўлди, — дедим унинг фикрига қўшилиб. — Чироқчининг халқ меъморчилиги неча асрлар давомида шаклланиган. Саратон офтобида роса пишган паҳса иморатлар тез тикланган. Ортиқча харажат талаб этмаган. Яна бир ўзига хослик — уйларнинг пешайвони 3-3,5 метрдан кам бўлмаган. Устунлар орасига дераза ўрнатилган ва у «қелди-кетди» хонаси вази фасини ўтаган. Аммо пойдевори паст бўлган, шу боис иморат тез зах тортиган, оқибатда узоқ чидаманган. Инсоннинг кўп вақти янги уй қуриш билан ўтган. Энг ёмони, қишлоқ режасиз қурилган, тартибсиз тикланган уйларга газ, сув ва

электр тизимини олиб кириш қийинчилик туғдирган. Энди бу ҳолатга чек қўйилмоқда.

— Гап шундаки, — дейди Чироқчи туман ҳокимлигининг қурилиш бўйича бош мутахассиси Эшмирза Хушмуродов, — биринчидан, ҳозир туманининг бош режаси ишлаб чиқилган, бундан кейин тартиб бўйича томоғрақ ақратилади. Яқин тартибда уй-жой қуришга кўмак берилади. Аммо жараён илчил тизимга асосланади. Тартибсизлик бўлмайди. Бу эса, қишлоқ ободлиги, унда гузарлар, маиший-коммунал хизмат кўрсатиш шохбаси барпо этишга замин яратади. Рост, Хўжаабдижаббор қишлоғида қурилатган янги намунали уйлар бошқача. Уларнинг лойиҳаси шароит ўрганилиб, ўзаро маслаҳат асосида, иқлимга мослаб ишланган. Юринг, яхшиси иш устида гаплашайлик. Мана, уй эгаларидан бири — Жуманазар ака. Янги иморат қурилишини кунига бир келиб кўриб кетмаска, кўнгли жойига тушмайди.

— Э, ҳуш келибсиз, меҳмон, ҳуш келибсиз, — илик сўрашди Жуманазар Қахрамонов. — Насиб этса, янги уйимизнинг ҳовли тўйига келасиз. Ҳўш, нимани билмоқчисиз? Ҳа-я, ўқитувчи бўлдим, масъул ишларда ишладим. Олти ўғил, икки қизим бор. Улар ҳеч кимдан кам эмас. Яратганга минг қатла шукрки,

элга қўшилиб, касбидан обрў топаёпти. Аммо уларга уй керак. Маслаҳатлашиб, янги уйлардан бирига талабгор бўлдик. Нархи 61 миллион сўм экан, банкдан кредит ажратишди. Кредитни йилма-йил узамиз. Бунинг яхши томони — бўйинида қарз бўлгач, тинч ўтирмайсан, елиб-югуриб ишлайсан, янги имконлар излайсан. Шунини ўйлаб, укам Хидирали ҳам битта ўғлига шу уйдан олди. Мана, қаранг, 4 та хонаси бор. Ётоқбўлма, болалар хонаси, ошхона, ювениш жойи алоҳида. Усти пишк тунука ёпқич билан қопланган. Тоза ичимлик суви, табиий газ бор, ҳўш, яна нима керак, инсон учун?

Биргина Жуманазар ака эмас, бошқа уй эгалари ҳам қурувчилардан рози. Қурилиш тумандаги «Махсус сифат» қурилиш фирмаси уйсозлари олиб бормоқда. Фирма раҳбари Урол Авлаев тиниб-тинчимас одам. Шу боис, иш суръати баланд.

Янги турар-жой масканида асосий ишлар бажарилган, пардозлаш ва йўл йўлка қуриш каби ишлар давом этмоқда. Фирма устаси Баҳодир Жабборов умумий назорат ўрнатган.

— Бу бежиз эмас, — дейди у. — Ўзим қурувчи бўлганим учун назорат доим керак, дейман. Чунки бу уйларни қуришни хоҳловчилар кўп эди, танловда фирмамизга ишонч билдирилди.

Шунинг учун сифатга катта эътибор бераёلمиз. Қаранг, томёпқичлар мустаҳкам ва бир текис. Эшикром Тошкентдан олиб келинган. Пластмассадан ясалгани учун нам тортмайди.

— Биз 5 та уйни қуриб битказдик, — дейди «Ободон» қурилиш ва ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Азамат Нуримов. — Аввало, сифатли ишламасақ, кейинги қурилишларга буортма ололмаймиз. Бундан ташқари, ҳар бир қурувчи яхши иморат қуришни истайди. Биздан қоладигани шу! Қолаверса, курсак, ўзимизга, элимизга қураимиз. Гиштни Яққабғоғдаги корхонадан олдик, жуда пишк. Очиги, гишт терувчи, сувоқчи, дурадгор усталар учун синов бўлди, бу ишлар!

Дарҳақиқат, шундай. Мен ўнлаб усталар билан суҳбат қилдим. Улар ўзлари қилган ишлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Сувоқчи Шохруҳ Лутфуллаев иш ҳақи ва қурувчиларга яратилган шарт-шароит яхши эканини айтди. Темирчи уста Махмадали Эргашев «янги уйларнинг эгалари меҳнатимиздан рози бўлсин, деб астойдил ишладик», дейди.

Ҳар бир кунимиз — янги тарихимизнинг бир саҳифасини ташкил этади. Унинг нечоғли нури ва мазмуни бўлиши ҳар биримизга, меҳнатимизга боғлиқ.

Шу маънода, янги уйлар меъморчилиги ва ободончиликда янги даврни бошлаб берса, ажаб эмас.

Бепойён даштларга сочилган Чироқчи қишлоқлари бундан буён мана шундай кўркам ва замонавий уй-жойлар туфайли фусун ва тароват касб этади, албатта. Жуманазар ака бир қанотли гап айтди: «Биз чироқчиликлар меҳмон учун чироғимизни ўчирмаймиз!» Яхши гап-а?

Янги уй-жой масканларида ҳам чироқлар чарақлаб турибди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Спорт

■ Куни кеча поёнига етган XVI ёзи Осиё ўйинлари мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли кечди. Ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтадиган мазкур спорт анжуманида Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида 11 та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза медалларига сазовор бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.



Курашнинг дадил одимлари

Ўзига хос китъа олимпиадаси ўтказилаётган кунларда Гуанчжоу (Хитой)да Осиё Олимпия Кенгашининг Ассамблея йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кураш халқаро ассоциацияси раҳбарияти ҳам қатнашиб, Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жаг Ротге, Осиё Олимпия Кенгаши президенти шайх Аҳмад ал Фаҳад ал Сабах, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро спорт ташкилотлари раҳбарлари билан расмий учрашувлар ўтказди. Унда миллий спорт туримиз — курашнинг халқаро майдонда янада ривожлантириш борасида келишувларга эришди.

Хабарингиз бор, кураш бўйича мунтазам равишда китъа, жаҳон чемпионатлари ва кўплаб йирик халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда Кураш халқаро ассоциациясига жаҳоннинг 117 давлати расман аъзо бўлиб, улар кураш миллий федерациялари фаолияти йўлга қўйилган. Олимпия ўйинлари дастуридан расман жой олиш учун дадил одимлаётган кураш билан бугун дунёнинг беш қитъасида шуғулланишмоқда. КХАнинг саъй-ҳаракатлари билан келаси йили Гвадалахара шаҳри (Мексика)да бўладиган навбатдаги Пан-Америка ўйинлари, Мозамбикда ўтадиган X ёзи Африка ўйинларида кураш бўйича расман медаллар учун беллашувлар ўтказилади.

Осиё Олимпия Кенгашининг Гуанчжоуда бўлиб ўтган Ассамблея йиғилишида ҳам курашнинг ёзи Осиё ўйинлари дастурига киритиш масаласи кўриб чиқилди.

— Айни пайтда ўз миллий спорт турини Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишини истаётган халқлар талайгина, — дейди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Бунинг учун аввало дунёга чиқаётган ҳар бир спорт тури бир қатор йирик халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлиши ва улар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Гуанчжоуда ассоциациямизга Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA)дан хўшхабар келди. Ҳозир ҳар бир спорт турида ҳалолликни ҳимоя қиладиган бу нуфузли халқаро спорт ташкилоти Кураш халқаро ассоциациясини бир овоздан расман аъзоликка қабул қилибди. Осиё Олимпия Кенгаши Ассамблея йиғилишида ҳам йирик халқаро спорт ташкилотлари раҳбарлари курашнинг халқаро микёсида обрўси кун сайин ортиб бораётганлиги ва бу спорт турининг истиқболи порлок эканилигига алоҳида урғу бердилар. Хабарингиз бор, навбатдаги ёзи Осиё ўйинлари 2014 йилда Инчон (Жанубий Корея)да бўлиб ўтади. Йиғилишда мазкур китъа олимпиадаси дастурига курашнинг расман киритилиши учун фурсат етганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кеча КХАнинг бош қароргоҳидан яна бир хўшхабар олдик. Мазлумотларга қараганда, шу кунларда Лозанна (Швейцария)да GAISFSPORT/ AKKORDнинг ижрокўми йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Унда КХАни шу ташкилотга аъзоликка қабул қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўзбек жанг санъати

спорт тури билан бугунги кунда мамлакатимизда қирқ беш минг нафардан зиёд киши мунтазам шуғулланишмоқда



Муҳаммад АМИН (ўса) олган сурач.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида болалар ва ўсмирлар, катталар ҳамда фахрийлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида беш юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун майдонга тушди.

Мурасасиз кечган баҳслар якунида ўз ваэн тоифасида буюролик Ф.Жамолов, М.Жумаев, Ф.Каромов, Х.Фармонов, фарғоналик М.Одилжонов, Қ.Хусанов, қизлар ўртасида ўтган учрашувларда андижонлик Г.Ҳолмирова, фарғоналик Г.Абдураҳимова, наманганлик М.Усмонова, жиззахлик Х.Воҳидова бош соврин эгаси бўлишди.

Комплекс машқлар бажариш бўйича Б.Абдусаматов, Д.Дилшодова

(Тошкент), А.Қурбонов, С.Сафарова (Тошкент вил.), Б.Остонов, Г.Қосимова (Буюро) га тенг келадигани топилмади.

— Ҳозир вилоятимизда беш минг нафардан зиёд йигит-қиз мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланишмоқда, — дейди Буюро вилояти терма жамоаси бош мураббийи Комилжон Шукуров.

— Ўзбекистон кубоги баҳсларига ана шу ишлар орасидан сараланган энг иқтидорли қирқ етти нафар спортчимиз билан келгандик. Шогирдларим ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Умумжамоа ҳисобида бош совринни кўлга киритганимиздан жуда хурсандман.

Эркин ХОЛБОБОВ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «TEXTILE INDUSTRIES» масъулияти чекланган жамияти Устав фонди 130 миллион сўмдан 90 миллион сўмга камайтирилганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

2010 йил 30 декабрда «Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази» МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол мулклари) рўйхати

№	Мулkning номи	Баланс сақловчининг номи ва манзили	Мулkning манзили	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулkning бошланғич нархи (сўм)
1	«XO'JALIK VA QURILISH MOLLARI» МЧЖнинг 24,33 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохсанам кўчаси, 85-уй	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохсанам кўчаси, 85-уй	Ҳўжалик ва қурилиш моллари бўйича улгуржи савдо фаолиятини амалга оширади ва бошқалар	1 678 929 100
2	«4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» МЧЖнинг 97,0 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Толипов кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Толипов кўчаси, 3-уй	Қурилиш ва монтаж ишлари билан шуғулланувчи жамият ва бошқалар билан	509 269 500
3	«TOG'-GEOLOGIYA JAMLAMA EKSPEDITSIYASI» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Мироқилов кўчаси, 68-а уй	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Мироқилов кўчаси, 68-а уй	Геология изланиш ишлари билан шуғулланади ва бошқалар билан	228 628 200
4	«MAXSUSBUTLASHGAZ» МЧЖнинг 31,55 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	1993 йилдан бошлаб божхонада хўжатларни расмийлаштириш билан шуғулланиб келади ва бошқалар билан	545 125 900

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Bobir ALIMOV
- Sharbat ABDULLAYEVA
- Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV
- Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
- G'affer HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Muslihidin MUHIDDINOV
- Andrey KUSTOV
- Ochilboy RAMATOV
- Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13

Madaniyat va sport 233-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56

Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — (374) 225-32-70

Buxoroda — (365) 223-06-02

Gulistonda — (367) 225-46-45

Jizzaxda — (372) 227-48-35

Navoiyda — (436) 223-83-73

Namanganda — (369) 226-43-81

Nukusda — (361) 222-77-21

Samarqandda — (366) 235-02-55

Urganchda — (362) 517-30-58

Farg'onada — (373) 224-18-78

Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi. Korxonalar: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob.

Gazeta seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7 — 1049

7648 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 23.30

1 2 4 5

Sotuvda erkin narxda